O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 13-noyabr • Payshanba • 135 (27.940) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси.)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

11-12 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Молия вазири Р.Азимов маъруза қилди, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг лойиҳаси батафсил муҳокама қилинди, муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, 2009 йил учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар иқтисодиётни юксалтириш, таркибий жиҳатдан яхшилаш ва модернизация қилишнинг барқарор ҳамда мувозанатлаштирилган суръатларини таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, бизнес учун мумкин қадар қулай шарт-шароит яратиш, чет эл инвестицияларини ҳар томонлама жалб этиш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, давлат харажатларининг фуқаролар даромадлари изчил ўсиб боришини, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги хизматлар сифати янада оширилишини, шунингдек, аҳоли кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимояланганлиги таъминланишини назарда тутувчи ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб қолмоқда.

Муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Б.Соатов учинчи ўқишда тақдим этди. Ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасида ишончли ҳуқуқий негизни яратиш учун қабул қилинаётган қонуннинг муҳим эканлигини қайд этиб, депутатлар томонидан киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Солиев маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳужжатнинг моддамамодда муҳокамаси жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қонун лойиҳасининг почта алоқаси соҳасида кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Депутатлар муҳокама қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирдилар, таклифлар инобатга олинган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Нафақат миқдор, сифат ҳам эътиборда

АНДИЖОН. Вилоятнинг Хонобод шаҳрида фаолият юритаётган «Ўз-Коджи» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун махсус сим ўровлари тайёрламоқда. Корхонада бугунги кунда 805 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилаяпти. Жамоа бу йил автомобилсозларга режалаштирган 194 минг дона бутланган маҳсулотни шу кунгача қарийб тўла етказиб беришнинг уддасидан чиқдилар.

— Мақсадимиз, — дейди қўшма корхона ишчиси Наргиза Тешабоева, — буюртмачиларимизга нафақат режадаги маҳсулотни миқдорий жиҳатдан, балки аъло сифатли даражада етказиб беришдир. Ҳозиргача ишлаб чиқарилган сим ўровларимизга бирорта ҳам эътироз олганимиз йўқ. Барча ўровлар аъло сифат билан тайёрланмоқда.

Суратда: *корхонанинг илғор ишчиларидан бири Лола Алиева.*

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

ФАРМАЦЕВТИКА ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, қатор ташкилотлар ҳамда ZAR EXPO кўргазма компанияси томонидан ташкиллаштирилган навбатдаги тадбир фармацевтика соҳасига бағишланди. Кўргазмада иштирок этаётган Ўзбекистон, Россия, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор давлатлар вакиллари фармацевтика саноатидаги янги ишланмалар, ускуналар, дори-дармонлар, ветеринария препаратлари ҳамда тиббий жиҳозларини намойиш қилишяпти.

Ушбу тадбир доирасида оналар, болалар ва ўсмирларга товарлар ҳамда хизматлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтаётир. Мақсад — юртимиз бозорларига болаларга мўлжалланган сифатли маҳсулотлар олиб кириш ҳамда ўзимизда тайёрланаётган болаларбоп товарлар сифатини янада яхшилашдан иборат.

Фармацевтика ютуқлари намойишига айланган кўргазма давом этаётир.

Равшан ШОДИЕВ

ЭРКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида 1992 йилда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Конституцияси Ватанимиз тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Бош қомусимиз қабул қилинган 8 декабрь алоҳида қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни, умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

Таъкидлаш керакки, мустақил Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Конституциямизнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар, деб таъкидлаган эди.

Давлатнинг жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқариш соҳасидаги ролини унинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати белгилайди. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш эса турли хил ҳуқуқий асос орқали амалга оширилади. Улар орасида асосий ўринни, ҳеч шубҳасиз, конституция эгаллайди.

Конституция ҳар бир давлатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Унинг меъёрлари нафақат давлат тузуми, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш принципларини, балки ижтимоий ҳаёт меъёрларини ҳам белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Конституциясининг 14-бобида оилавий турмуш тарзининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи принципиал қоидалар белгиланган. Унинг 12-боби эса жамиятнинг иқтисодий асослари, иқтисодий фаолият эркинлигини кафолатли таъминлаш, мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган.

Конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, конституция ўзининг асосий қоидаларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун кенг имконият яратади.

Асосий конституциявий қоидалар, принциплар юридик базани ташкил қилади. Ушбу юридик база негизида эса ҳуқуқнинг барча — молиявий, фуқаролик, жиноий, меҳнат ва бошқа соҳаларининг нормалари мужассам. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар) конституцияга асосланади. Бошқача айтганда, конституция барча қонун ҳужжатларининг асоси, манбаи ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, конституцияларнинг юридик жиҳатдан анча мукаммал авлоди йигирманчи асрда пайдо бўлган. Унгача яратилган конституциялар орасида энг қадимийси Англия конституцияси ҳисобланади. Унинг пайдо бўлиш тарихи ўн учинчи аср боши, яъни 1215 йилга тўғри келади.

Маълумки, асосий қонун, яъни конституцияда бошқа барча жорий қонунлар учун асосий аҳамиятга эга ғоя ва қоидалар мустаҳкамланади. Шу тариқа ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқ тизимида у устувор аҳамият касб этади.

Конституциянинг устуворлиги яна шунда намоён бўладики, унга нафақат шу давлат фуқаролари, балки давлатнинг ўзи ҳам риоя қилиши керак. Ҳуқуқ ва давлат ўзаро боғлиқ бўлгандагина жамиятда конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: хўш, қандай функциялар конституцияга хос, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ривожлантиришга у қандай таъсир кўрсатади?

Ушбу саволнинг жавоби ўқувчига давлат ва ҳар бир фуқаро ҳаётида конституциянинг аҳамияти ва ўрни нимадан иборат эканлигини англаб етишга ёрдам беради.

Биринчидан, конституция асосий қонун сифатида ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий тартибга солинадиган объекти ҳисобланган барча жабҳаларига бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Бироқ конституциянинг тартибга солувчи таъсири бавосита шаклда ҳам амалга оширилади. Масалан, унинг жорий ва соҳавий қонунчиликка сингдирилган асосий принцип ва қоидалари бошқача, яъни бавосита шаклда таъсир кўрсатади.

(Давоми 3-бетда)

✓ Фракция фаолияти

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ

янада такомиллашмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция дастлаб Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳамда «Солиқ кодексидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқди. Мазкур икки қонун лойиҳаси юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Шавкат Тешаев маъруза қилди.

Биринчи қонун лойиҳаси 2007 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган. Лойиҳада Солиқ кодексининг айрим нормаларини такомиллаштириш ва уларга аниқлик киритиш ҳамда кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилишини тўлиқ таъминлаш назарда тутилмоқда. Кодекснинг 77 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар, 12 та моддасига янги нормалар, қоидалар киритилаяпти.

2-бет

✓ ЎзХДП ҳаёти

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ

ташаббус ва фаоллик кўрсатмоқда

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол авлодни вояга етказишда шубҳасиз тиббиёт ходимларининг хизматлари беқиёс. Шунинг учун ҳам улар ҳамиша эътиборда, эъзозда. Бектемир туманидаги 41-кўп тармоқли поликлиникада бўлиб ўтган тадбирда бу фикрлар яна бир бор таъкидланди. Унда ЎзХДП туман кенгаши, поликлиникадаги БПТ фаоллари ҳамда шифо масканининг бошқа ишчи-ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши раиси Ҳабибулла Рўзиметов тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг такомиллашгани саломатлик посбонларига кўрсатилаётган ғамхўрлик эканини таъкидлади.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

! Долзарб мавзу

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри аҳолисига «Ўзтрансгаз» компанияси тасарруфидаги магистрал газ қувурларидан Бектемир, Шарқий-2 ва Жанубий газ тақсимлаш станциялари орқали табиий газ етказиб берилади.

Қиш мавсумида истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш учун Бектемир газ тақсимлаш станцияси қувватини 70 минг м³ соат ҳажмидан 210 минг м³ қувватга кўтариш мақсадида «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси ва пудратчи ташкилот «Трансгазмахсусқурилиш» томонидан Янгиер — Тошкент магистрал газ қувурига Бектемир тумани ҳудуди орқали 2 километр масофадаги ер ости газ қувури қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Суратларда: *қурилиш жараёнидан лавҳалар.*

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Қиш синовли фасл. Қадим-қадимдан халқимиз эрта баҳордан бошлаб қишга тайёргарлик кўради. Чунки, қишнинг бир куни ҳам қиш, пухта тайёргарлик кўрилмаса, ташвишдан бошинг чиқмайди. Қиш ғамини ўз вақтида еганлар аёзли кунларни хотиржам, муаммосиз ўтказади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бу синовли кунларга уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилди. Президентимизнинг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни тўғри ташкил этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу муҳим ҳужжатда асосий муҳандислик коммуникациялари ва технология ускуналарини, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини ҳудудлар бўйича куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказишга алоҳида эътибор қаратиш кўрсатиб ўтилган.

Мазкур Қарорга биноан, куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Бундан кўзланган мақсад — энг аввало, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, куз-қиш мавсумини турли муаммо ва камчиликларсиз тинч, хотиржам ўтказишни таъминлашдан иборат.

Таҳририят топшириғига кўра, мухбирларимиз мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Наманган, Андижон, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида бу борада қилинган ва қилинаётган ишларни ўрганишга ҳаракат қилишди.

2-бет

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Р.Зарипова «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини депутатлар муҳокамасига иккинчи ўқишда тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди. Депутатлар баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Толибов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва муҳокама пайтида тушган таклифларни инобатга олган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги, болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси А.Юнусова маъруза қилди. Муҳокама жараёнида депутатлар Ўзбекистоннинг болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиши алоҳида аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар мазкур қонунларни қабул қилдилар, улар маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Адвокатура институтининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов маъруза қилди. Ҳужжат концепциясини муҳокама қилиш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун адвокатура институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Қонунчилик палатаси муҳокама пайтида билдирилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Ш.Каримов «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тақдим этди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси ўтказилганидан кейин депутатлар барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари томонидан киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг қўлланилиши амалиёти ҳисобга олинган ҳолда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Депутатлар муҳокама жараёнида киритилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси, шунингдек, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А.Тўхтабоев томонидан тақдим этилган «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Депутатлар амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган мазкур қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва муҳокама жараёнида киритилган таклиф ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 2005–2007 йиллар ва 2008 йилнинг ўн ойидаги фаолияти тўғрисида қўмита раиси М.Тешабоев ҳисобот берди. Таъкидлаб ўтилдики, қўмита Қонунчилик палатасининг парламентлараро алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, прогрессив халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишга қаратилган қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича муайян ишларни амалга оширди. Шу билан бирга, муайян имкониятлар рўёбга чиқарилмаганлиги кўрсатиб ўтилди ва қўмита ишини такомиллаштириш учун таҳлилий ишларни амалга ошириш салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш топширилди. Депутатлар ҳисоботни муҳокама қилиш якунлари юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов қўмитанинг 2005–2007 йиллар ҳамда 2008 йилнинг ўн ойидаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот билан сўзга чиқди. Ана шу давр ичида Қўмита амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича анча иш қилди. Қўмита қонун ҳужжатларида берилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда қонунлар жойларда ижро этилишини таъминлаш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди. Ҳисоботни муҳокама қилиб ва маъқуллаб, депутатлар тегишли қарор қабул қилдилар.

(ЎзА)

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ

янада такомиллашмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчи лойиҳада эса «Давлат солиқ хизмати тўғрисида», «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилган «Адвокатура институти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Мазкур лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов маъруза қилди.

Лойиҳа Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал, Жиноят ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, «Адвокатура тўғрисида», «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қиладиган, фуқаролик жамияти институтларидан бири бўлган адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган, марказлашган тизимини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаяпти. Адвокатликка номзодларнинг малакасига қўйилаётган талабларни кучайтириш, юридик соҳада иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташини белгилаш, шунингдек, адвокатларнинг мунтазам равишда малака ошириши мажбурийлиги белгиланаяпти. Адвокатурани лицензиялашнинг самарали тизими ташкил этилаяпти. Адвокатлик тузилмаларининг ваколатлари ва ҳуқуқий мақоми белгилаб берилаяпти. Суд жараёнида айблов ва ҳимоя томонларининг процессуал ҳуқуқлари тенглиги такомиллашаяпти. Адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш ва адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар таклиф этилмоқда.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда, «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ

ташаббус ва фаоллик кўрсатмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Партия дастурий мақсадларини амалга оширишда шифокорларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигига эътибор қаратди. Айни пайтда ХДП соҳа ходимлари манфаатлари йўлида ўз ғояларини илгари сураётганини айтиб ўтди.

— Поликлиникамиз 30 минг аҳолига хизмат кўрсатади, — деди терапия бўлими мудири Шукрулло Алиев. — Умумий шифокорлар 52 нафар бўлиб, уларнинг аксарияти олий ва биринчи тоифали, тажрибали врачлардир. Жамоамизда 85 нафарга яқин ўрта тиббиёт ходимлари фаолият юритади. Уларнинг ҳар бири ўз масъулиятини теран англайди. Президентимизнинг бизга кўрсатаётган эътибори халқимиз ишончини оқлашга, айниқса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш борасидаги ишимизга янада масъулият билан ёндашишни талаб этади.

— Муассасамизда партиямизнинг бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатади, — деди шифокор, ЎзХДП фаоли Дилбар Муҳаммедова. — Унинг атрофида 58 нафар аъзо бирлашган. Ташкилот ЎзХДП туман кенгаши билан ҳамкорликда турли тадбирлар, давра суҳбатлари, йиғилишлар ўтказиб келади. Тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари ҳамда фаоллар саъй-ҳаракати туфайли партиямиз аъзолари, хайрихоҳлар кундан-кун кўпайиб бормоқда.

Тадбирда бошқа фаоллар ҳам сўзга чиқиб, бошланғич ташкилотнинг Ёшлар йилида амалга ошираётган ишлари, эришилган ютуқлар, олдинда турган вазифалар тўғрисида фикр юритдилар. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги намунали хизматлари учун бир гуруҳ фаоллар ЎзХДП туман кенгаши Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ПОЙТАХТДА АСОСИЙ ИШЛАР УДДАЛАНДИ

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимиз **Тошкент** шаҳрида ҳам куз-қиш мавсумига бу йил барвақт киришилди.

Шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасидан олинган маълумотларга кўра, 40 та қозонхона, 38 та қозон, 15,23 км. сув, 9,4 км. канализация, 44,1 км. газ тармоқлари капитал, шунингдек, 417 та қозон, 422,2 км. иссиқлик, 637,1 км. сув, 113,2 км. газ тармоқлари, 225 та катта кучланишли трансформатор жорий таъмирланди. 15,23 км. сув, 9,4 км. канализация, 40 км. иссиқлик тармоғи қайта ётқизилди. 88 та юқори, 1693 та ўрта босимли газ тақсимлаш пунктлари техник тафтишдан ўтказилди. 208 км. газ тармоқлари эса ҳаво босими остида тозаланди.

Маълумки, Тошкент шаҳри аҳолисининг аксарияти кўп қаватли уйларда истиқомат қилишади. Демак, бу уйларни қиш мавсумига тайёрлаш масаласи мутасаддилардан жиддий эътибор қаратишни талаб этади. Ушбу йўналишда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилганини қуйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. 1991 йилгача қурилган 424 та кўп қаватли уйнинг муҳандислик тармоқлари, 299 та ана шундай уйнинг 353002 м² томлари капитал, яна 716762 м² жорий таъмирдан чиқарилган. Шунингдек, 8529 та кўп қаватли уй-жойларнинг иссиқлик тизимини босим остида ювиш, 9611 та иссиқлик бўғинларини профилактик таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилган. Қўшимча дастур асосида эса 500 та кўп қаватли уйнинг ертўлаларидаги муҳандислик тармоқлари жорий таъмирланди.

Шу ўринда бир янгилик. Бу йил томни таъмирлашда тажриба тариқасида янги технологиялар, яъни уларни суюқ битум ва полизол қопламалар билан қоплаш усули татбиқ этилди. Бу усул дастлаб Учтепа, Яккасарой ва бошқа туманларда синовдан ўтказилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнида, айниқса, таълим ва тиббиёт муассасаларига алоҳида эътибор қаратилди. Пойтахтдаги 26 та умумтаълим мактаби, 38 та мактабгача таълим, 10 та ўрта махсус касб-ҳунар муассасаси, 14 та шифохона, 1 та Меҳрибонлик уйи ва 7 та поликлиникада капитал, 235 та умумтаълим мактаби, 300 та мактабгача таълим муассасаси, 26 та шифохона ва 40 та поликлиникада жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Бу йил қиш эрта эшик қоқди. Октябрь ойининг сўнгги ўн кунлигида ҳаво ҳарорати анча пасайиб кетди. Ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳам ёғингарчилик кўп бўлди. Ҳатто бизни огоҳлантиргандай биринчи қор ҳам ёғди. Бу эса қиш бошланганидан дарак беради.

Юқорида қайд этилган рақамлардан шуни англаш мумкинки, Тошкент шаҳрида бу йилги мавсумга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек ташкил этилган. Яна ҳар эҳтимолга қарши деб шу кунгача 880,0 тонна кўмир, 15419,0 тонна мазут ғамлаб қўйилган.

Керакли миқдордаги кўмир ва мазутни узлуксиз равишда етказиб бериш мақсадида таъминотчилар билан шартномалар тузилган бўлиб, бу иш Вазирлар Маҳкамаси ҳамда шаҳар ҳокимлиги назоратига олинган. Бугунга келиб ижтимоий соҳанинг барча объектларига уй-жой фондига асосан иссиқлик берилди.

АЁЗЛИ КУНЛАР ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Жорий йилги куз ва қиш мавсуми олдидан жанубий вилоят — **Сурхондарёда** ҳам тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳар бир туман ва шаҳарларда ишчи гуруҳлари тузилди. Шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам алоҳида ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, мавсумга тайёргарлик бўйича вазифалар мувофиқлаштирилди. Ҳар бир тегишли корхона ва ташкилот мутасаддилари бириктирилган — тайёргарлик штаби фаолият кўрсатмоқда.

Айни кунларда Термиз шаҳри ва вилоят туманларида 17 та авария диспетчерлик пунктлари ишлаётган бўлиб, улар зарур материал, ускуна ҳамда транспорт воситалари билан таъминланган. Вилоятда ҳозиргача 43 та қозонхона, 38 та қозон, 10,7 километр иссиқлик, 11,2 километр сув тармоқлари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 1991 йилгача қурилган 80 та кўп қаватли уй, 42 та умумтаълим мактаби, 29 та мактабгача таълим муассасасида, тўртта шифохонада ҳам шу каби таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Жойларда жорий таъмирлаш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Ҳозиргача 122 та қозонхона ва 242 та қозон жорий таъмирланди. 5,8 километр иссиқлик ҳамда 38 километрдан ортиқ сув ҳамда табиий газ тармоқларида ҳам профилактика ишлари олиб борилди. 613 та мактаб, 3 та махсус мактаб-интернат, 357 та мактабгача таълим муассасаси, 24 та касалхонада тайёргарлик ишлари тўла тугалланди. 6 километрдан ортиқ иссиқлик тармоқлари изоляцияси ниҳоясига етказилди. Мактабларнинг 1500 метр квадратдан ортиқ ойналари алмаштирилди. Мавжуд 3907 та газ тақсимлаш станцияларида текширишлар ўтказилди.

Воҳа аҳолиси кенг ҳудудда истиқомат қилади. Шунинг учун тоғ ва тоғолди аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида 12 минг тоннадан ортиқ кўмир захираси жамғарилган.

Ўтган йили қиш анча совуқ келганди. Бундан мутасаддилар тўғри хулоса чиқаришди. Ёғин-сочинли кунлар учун ўз даврида 15 минг тонна кўмир жамғариш режалаштирилганди. Бугунга келиб бу масала тўлиқ ечимини топган. Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мактаблар учун 15 минг тонна ёки 575 миллион сўмлик ёқилғи ҳозирланган. Мавсумга тайёргарликка, айниқса, тиббиёт тизимида алоҳида эътибор қаратилмоқда. 5 минг 500 тонна кўмир ўз вақтида тизим муассасаларига етказилди.

ҚИШ ИМТИҲОНЛАРИ БОШЛАНДИ

Сирдарё вилоятида ҳам белгиланган чора-тадбирлар асосида бугунга қадар 4 та иситиш қозонхонаси, 6 та иситиш қозони, 6 километр иссиқлик узатиш, 10,1 километр табиий газ, 2,4 километрлик ичимлик сув тармоқлари мукаммал таъмирланди. Бундан ташқари, 6 та қозонхона, 10 дона иситиш қозони, иссиқлик узатиш, табиий газ, ичимлик сув тармоқлари жорий таъмирдан чиқарилди. Мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари бюджет ва ҳомий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Чунончи, биргина бюджет параметрлари бўйича бу ишларга белгиланган 598 миллион сўм ўрнига 797,6 миллион сўм маблағ ажратилди.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Қишга тараддуд жараёнида асосий эътибор тиббиёт, халқ таълими муассасалари, ўқув юртлари ва, албатта, аҳоли эҳтиёжларига қаратилди. Жумладан, мавжуд 24 та шифохона, 30 та поликлиника ва 149 та қишлоқ врачлик пункти, 303 та умумтаълим мактаби, 192 та мактабгача таълим муассасасида тайёргарлик ишлари яна бир карра ўрганиб чиқилиб, амалий чора-тадбирлар белгиланди. Вилоятдаги 3 та касалхона, 9 та мактаб, 11 та болалар боғчаси мукаммал, 13 та касалхона, 123 та мактаб ва боғча, 950 та кўп қаватли турар-жой биноси эса жорий таъмирдан чиқарилди. Марказий иситиш тармоқларига уланган барча касалхоналар, таълим муассасаларида иссиқлик оқимини босим остида синаш ва тармоқларни ювиш ишлари тўлиқ амалга оширилди.

Марказий иситиш ва табиий энергетика тармоқларига уланмаган муассасаларнинг ҳам эҳтиёжи ўрганиб чиқилиб, улар учун тегишли миқдорда кўмир захираси ғамлаб қўйилди. Белгиланган тадбирлар асосида соғлиқни сақлаш муассасалари учун 900 тонна, халқ таълими ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун 5600 тонна, аҳоли учун эса 4000 тонна кўмир ёқилғиси етказиб берилди.

Бундан ташқари вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари қошида ижтимоий соҳа объектлари ва иқтисодиёт тармоқларини 2008-2009 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашини мониторинг қилиш борасида ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Вилоят ишчи гуруҳи аъзолари барча ҳудудларга бириктирилиб, таҳлилий маълумотлар асосида шошилинч чора-тадбирлар белгиланмоқда.

— Ҳар чоршанба куни, — дейди вилоят ишчи гуруҳи раҳбари, вилоят ҳокими ўринбосари Зокиржон Қаршибоев, — вилоят ҳокими, шаҳар-туман гуруҳлари, вилоятнинг тегишли корхоналари раҳбарлари иштирокида ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилиб, кузги-қишки мавсумнинг бориши юзасидан масъул шахсларнинг ахборотини тинглаб, муҳокама қилиб бораяпмиз.

Шунингдек, вилоятда 5 ноябрдан бошлаб шаҳар-туман ҳокимликлари, иссиқлик, газ, электр энергияси, сув таъминоти ва қиш мавсумини беталафот ўтказишга алоқадор шу каби барча корхоналарда, таълим ва тиббиёт муассасаларида биринчи раҳбарлар, уларнинг ўринбосарлари бошчилигида тезкор штаблар тузилиб, кеча-кундуз навбатчилик жорий қилинди.

Хуллас, қишнинг имтиҳонлари бошланди. Соҳа мутахассислари бу имтиҳондан қай даражада ўтишини вақт кўрсатади.

ЎТГАН ЙИЛ САБОҚЛАРИ

Ўтган йилги қиш ҳали **қорақалпоғистонликларнинг** эсидан чиққани йўқ. Кечалари 25-31 даража совуқ бўлди. Вазирлик, идоралар, корхоналар раҳбарлари бу йилги қиш мавсумини яхши ўтказиш мақсадида тайёргарлик ишларини ёз ойларида бошлаб юбордилар.

Қишга тайёргарлик хусусида «Шимолгаз таъминот» унитар корхонаси директори Бахит Мамбетов шундай дейди:

— Корхонамиз тасарруфида 12 минг 265 километр газ тармоғи бўлиб, шундан 1132 километр юқори босимли, 2867,5 километр ўрта босимли, 8252,9 километр паст босимли 5633 дона ГРП, 351 дона ЭХЗ мавжуд, уларнинг деярли ҳаммаси қишга тайёр қилиб қўйилди. Чимбой, Қўнғирот, Амударё, Тахиатош шаҳридаги бир қатор кўчалардан ўтган газ тармоқлари жорий таъмирдан чиқарилди. Унитар корхонамиз бўйича жорий таъмирлаш режалаштирилган 13,2 километр ўрнига 14 километрдан кўпроқ таъмирлаш ишлари бажарилди. Ер ости газ тармоқларини текшириш режаси юз фоизга адо этилди.

— Қиш ойларида касалхоналар, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари иссиқ бўлиши учун барча имкониятлар яратилди, — дейди Қорақалпоғистон Республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эндирбай Абдуллаев. — Вазирлик тизимида 247 та даволаш-профилактика муассасалари фаолият кўрсатиб, булар табиий газ ва кўмир билан иситилади. Об-ҳавонинг кескин совиб кетишини ҳисобга олиб, 500 тоннадан кўпроқ кўмир ҳамда 285 тонна суюқ ёқилғи захираси жамғарилди.

Республиканинг шаҳар ва туманларидаги мактаблар, махсус мактаб-интернатлар, болалар боғчаларини қишки мавсумга тайёрлашда катта ташкилий ишлар амалга оширилди.

Белгиланган режага асосан 19 та қозонхона, 25 та қозон, 5 километр иссиқлик тармоқлари, 14 та мактаб, 4 та болалар боғчаси, 1 та касалхона 101 та кўп қаватли уйлар ҳамда 16,6 километр газ тармоқлари таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, тежалган маблағлар ҳисобидан қўшимча 10 та кўп қаватли уй-жойда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мактабларнинг 2664 квадрат метр ойналари алмаштирилди. Булардан ташқари, 13,3 минг тонна кўмир, 2,3 минг тонна суюқ ёқилғи жамғарилди.

Қиш фаслида ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳолининг қиш мавсумига тайёргарлигини қайта кўриб чиқиш мақсадида Қорақалпоғистондаги тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг масъул ходимлари жойлардаги ҳолатларни ўрганиб, тақроран кўздан кечириб чиқмоқда.

ИГНА ТЕШИГИДАН ТУЯ ЎТАДИ

Наманган вилоятида ҳам барча меҳнат муассасаларидан тортиб, аҳоли хонадонларигача қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди.

Тадбирлар режасига асосан вилоят ҳудудида 4,8 километр иссиқлик тармоқлари, 11,0 километр сув ва 9,1 километр газ тармоқлари мукаммал таъмирланди. 1991 йилгача қурилган 102 та кўп қаватли уй ва учта иситиш қозони мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Ўтган мавсумда совуқдан зарарланган 7,09 километр иссиқлик, 1054,5 километр сув ҳамда 4,8 километр газ тармоқлари, 159 та қозонхона, 50 та иситиш қозони жорий таъмирланди. 6824 та газ тақсимлаш пунктлари тафтишдан ўтказилиб, 5 та шифохонада кенг кўламли таъмир ишлари амалга оширилди. Мавжуд умумтаълим мактабларида 2085 квадрат метр дераза ойналари алмаштирилди. Ижтимоий соҳа муассасалари ва халқ хўжалиги объектларига 50,0 минг тонна кўмир захиралари жамғарилди. Газ босими паст бўлган аҳоли яшаш пунктларига 600 тоннадан ортиқ суюлтирилган газ етказиб берилди. Бу мақсад учун вилоятда 700 тоннадан зиёд суюлтирилган газ захиралари яратилган.

Айниқса, вилоят ҳокимлигининг уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш департаменти ҳамда муниципал, коммунал мулк объектларини ва уй-жой фондини бошқариш давлат унитар корхонаси фаолиятининг йўлга қўйилгани айни муддао бўлди.

Бироқ, шу ўринда баъзи хусусий уйларни қиш мавсумига ҳозирлашда муаммолар борлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Кейинги пайтда аҳоли томонидан қурилаётган шахсий уйлар замонавий кўриниш касб этаётган бўлсада, аксарият хонадон соҳиблари уй қуришда уни иситиш ва ёнғин хавфсизлиги меъёрларига эътибор қилмаётир.

— Игнадек тешикдан туядек совуқ киради, деганларича бор экан, — дейди Ёрқўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Абдурахмон Воҳидов. — Ўтган йилдан хулоса чиқариб, уйимизнинг эшик, дераза ва ром тирқишларини беркитдим.

Ёш оила соҳибининг қиш мавсуми олдидан яшаш хонадонларидаги эшик-дераза ойналари жипслигини таъминлаш бўйича билдирган фикри икир-чикирдек туюлса-да, жиддий эътибор бериш зарур бўлган жиҳатлардан бири.

Зотан, ҳали табиий газ истеъмолга кириб келмаган яқин ўтмишда ҳам ота-боболаримиз қишга тайёргарликни аввало ўз хонадонлари эшик ва деразаларидан бошлашган. Турмушимиз учун фойдали бу одатни эъзозлаб, унга амал қилсак, фойдадан холи бўлмайди.

БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Аввалари куз-қиш келди, дегунча **Андижон шаҳри,** 5-кичик даҳаси, кўп қаватли 8-уйнинг 59-хонадонида истиқомат қилувчи Маъмурахон Шахсиеванинг ташвиши ортарди. У ҳатто кўп қаватли уй етакчиси сифатида қолган 90 та хонадон учун ҳам қайғурарди. Уй томи ва кириш йўлакларининг эшиклари таъмирталаблиги кўпчиликни ўйлантирарди.

Шу йил ёзда шаҳар ҳокимлигининг кўмаги, «Фурқат-2000» уй-жой ширкати раҳбари Фаридахон Аҳмедованинг жонкуярлиги билан бу уй таъмирлашга киришилди. Вилоят ҳокимлигининг кўп қаватли уйларни мукаммал таъмирлаш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган дастур режаси эса бу каби муаммоларнинг ечимини топишда муҳим аҳамият касб этди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари чоғида хонадон эгалари ҳам қараб туришмади.

— 8-уйдан кейин кўп қаватли 48-, 13-уйларни ҳам таъмирладик, — дейди шаҳардаги «Умид-XXI» фирмаси раҳбари Ҳакимжон Эргашев. — Бажарган ишимиздан турар-жой соҳибларининг кўнгли тўлгани бизни қувонтирди. Уларнинг сидқидилдан кўрсатган кўмаги ҳам асқотди. Кириш йўлакларига эшиклар ҳам ўрнатилди.

Бу йил Андижон вилоятидаги 1426 та кўп қаватли уйнинг 144 таси мукаммал таъмирланиши белгиланган эди. 142 та кўп қаватли уйда таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилди. Иккита кўп қаватли уйда эса бу каби юмушлар поёнига етказилмоқда.

Куз-қиш фаслига тайёргарлик давомида Андижон шаҳрининг Бобур шоҳкўчасида «Ўзтрансгаз» компанияси томонидан 2,5 километр газ тармоғи мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бу тадбир туфайли Бобур шоҳкўчаси, Шимолий кичик ва Кўшариқ даҳаларида аҳолини табиий газ билан таъминлаш яхшиланди.

«Иссиқлик манбаи» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 5 та қозонхонанинг 4 таси мавсумга ҳозирланди. Биттасида эса сўнгги синов тадбирлари ўтказиляпти. Вилоятдаги 260 та қозонхонанинг 259 таси қиш мавсумига тайёрлаб бўлинди. Сўнгги қозонхона ҳам ишга туширилиб арафасида. Хонадонлару иш жойларига иссиқлик етказиш босими яхшиланди.

Вилоят бўйича 111 минг тонна кўмир жамғарилди. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларига мўлжалланганидек кўмир етказилди. Аҳолига 77 минг тонна кўмир захираси яратилди. Қозонхоналар учун 1200 тонна мазут келтирилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар Андижонда 2008-2009 йиллар куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилганидан далолат беради.

Маъмуржон МАҲМУД, Абдумалик ҲАЙДАРОВ, Мунаввар ПАРДАЕВ, Носиржон ДЕҲҚОНОВ, Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ТАҲРИРИЯТДАН: *Кўриниб турибдики, бу йил куз-қиш мавсумига ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Жуда катта маблағ ва меҳнат, маҳаллий ҳокимият ва мутасадди ташкилотларнинг кечаникеча, кундузни-кундуз демай қилаётган фидокорона ишлари туфайли кўплаб муаммолар ўз вақтида ечимини топмоқда. Тўғри, ҳали баъзи бир жойларда камчиликлар борлиги ҳам табиий. Мутасаддиларнинг айтишича, буларнинг ҳаммаси айни кунларда бартараф этилмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз талаб этилади. Бу борада оддий фуқародан тортиб, мутасаддиларгача, партия ташкилотларимиз, депутатлик гуруҳлари ва Жамоатчилик қабулхоналаригача — барча-барчамиз мазкур масала бўйича фуқаролардан тушаётган ариза ва мурожаатларга масъулият билан ёндашмоғимиз зарур.*

ЭРКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Умуман айтганда, конституциянинг таъсири қандай шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, ижтимоий муносабатларни мунтазам тартибга солувчи, ҳамжиҳатлик ва тартиб-интизомни ижтимоий ҳаётга жорий этиш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи восита бўлиб қолаверади.

Иккинчидан, конституция ҳуқуқ манбаларидан бири сифатида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ифода этиш ва юритиш воситаси ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясининг тўртинчи боби тўлиқ мамлакатимиз ташқи сиёсати асосларини тартибга солишга бағишланган. Мамлакатнинг Асосий қонунидан ушбу бобнинг ўрин олиши сиёсий масалани ҳал этишда конституция нечоғли муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Учинчидан, конституция асосий ғояларни мустаҳкамлайдиган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида муайян тарзда шахс онг-тафаккури, дунёқарашининг шакланишига мафкуравий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам замонавий демократик давлатлар конституцияси сингари барчанинг қонун олдида тенглиги, шахснинг давлатга нисбатан устуворлиги, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш мажбурияти каби инсонпарварлик тамойилларига катта аҳамият берилган. Чунончи, Конституциямизнинг 14-моддасида «давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», деб қайд этилган. Ушбу ғояларни жамоатчилик онгига сингдириш ҳар бир фуқаронинг қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантиришга кўмаклашади.

Тўртинчидан, конституция тегишли давлат ҳокимият тузилмаларини таъсис этиш орқали ижтимоий ривожланиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан ҳокимлик институтлари таъсис этилди. Шунингдек, мамлакатимизда Конституция талабларидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш шакли сифатида ўзбек халқи менталитетига мос ва кўп асрлик ривожланиш амалиёти билан синалган маҳалла институти ташкил этилгани ҳам бу фикрнинг исботидир.

Бешинчидан, конституциявий ҳуқуқий тартибга солиш давлат-ҳуқуқ меъёрларини яратиш билан чекланиб қолмайди. Ушбу меъёрларнинг яратилиши ягона мақсад эмас, балки улар жамоатчилик ҳамда тегишли давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш учун мўлжалланган. Конституция муҳим амалий ташкилотчилик вазифасини бажариб, ҳуқуқни амалга ошириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, тегишли давлат тузилмаларини қайта ташкил этиш ва такомиллаштиришга жиддий таъсир кўрсатади.

Дарҳақиқат, ҳар бир демократик давлатнинг конституциявий асосини инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ташкил қилади. Шу маънода, мамлакатимиз Конституциясидан «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» бўлими алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. Шунингдек, Бош қомусимизнинг «Асосий принциплар» бўлимида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканини қайд этувчи асосий ғоялар мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг қолган барча бўлимларида ўзининг ижтимоий йўналиши бўйича жамоат ва давлат тузилмаларининг шахс ҳамда жамият олдидаги вазифалари баён этилган.

Собиқ шўро тузуми даврида давлатнинг манфаатлари шахс манфаатларидан устун эканлиги қатъий белгилаб қўйилган бўлса, ушбу масала мустақил Ўзбекистон Конституциясида адолатли ҳал этилган. Яъни, шахс манфаатлари устунлиги, уни «олий қадрият» деб эътироф этиш нуқтаи назаридан ҳал этилган (13-модда). Шунингдек, Конституциямизда «фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги» принципининг мустаҳкамлангани бундай нуқтаи назар изчиллигини таъминлайди (19-модда).

Ўзбекистонни конституциявий ривожлантириш тарихида илк марта давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул экани белгилаб қўйилгани халқимиз барпо этаётган адолатли фуқаролик жамиятининг маъно-моҳиятини англатади.

Мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамланган демократик қоидалар орасида сиёсий плюрализм, яъни сиёсий институтлар, фикрлар хилма-хиллиги эътироф этилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Бундан ташқари, мамлакатимизда цензуранинг бекор қилиниши, ҳокимиятларни тақсимлаш ғоясининг амалга оширилгани, қонун устуворлигининг эътироф этилгани, бирон-бир шахс томонидан давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштиришга йўл қўймаслиги, Конституция ва қонунлар томонидан ваколат берилган органларнинг давлат ҳокимиятини халқ манфаатини кўзлаб амалга ошириши — буларнинг барчаси ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатган ҳолда, ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил этадиган муҳим ва асосий конституциявий принциплардир.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганидан буён ўтган 16 йил мобайнида унинг қоидалари ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида илгари тасаввур қилиб бўлмайдиган ютуқларга эришилмоқда. Мамлакатимизда Конституция туфайли фуқаролар ва миллатлараро тотувлик таъминланди, турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда, ижтимоий-маданий ривожланиш, таълим, илм-фан соҳаларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ шу йил 1 май куни «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури» тасдиқланди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши, деб белгилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз олтмишта халқаро ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Конституциявий тамойиллар асосида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари изчил жорий этилмоқда. Судлар жиноий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтлари жорий қилинди. Прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш изчил амалга оширилиб, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи суд ҳокимиятининг фаолияти чуқур ислоҳ қилинди. Жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилиб, оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати кескин қисқартирилди.

Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллаш кенгайтирилди. Жиноий жазо тури сифатида шўролар даврида ўтган мол-мулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди. Вояга етмаганлар, хотин-қизлар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими қайта кўриб чиқилиб, уларга жазо тайинлашда бир қатор енгилликлар берилди. Жиноий ишларни кўриб чиқиш тартиби соддалаштирилди, ишни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилди. Жиноят қонунчилигига янги — ярашув институти киритилди ва амалда кенг қўлланилмоқда.

Бир мисол. 2001 йил октябрдан 2008 йил октябригача бўлган даврда судда кўриб чиқиш жараёнида келтирилган зарар қопланганлиги сабабли 10 минг 785 нафар шахсга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазога тортилган шахслар сони XX асрнинг 80-90-йилларидагига нисбатан бугунга келиб 3 баробар қисқарди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2008 йил январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Бунинг натижасида, ҳибсга олинганлар сони 2007 йилнинг 9 ойидагига нисбатан жорий йилнинг айни даврида 1,5 минг шахсга қисқарди, тегишли қонун кучга киргандан буён судлар томонидан 186 нафар кишини қамоққа олиш тўғрисидаги прокурор илтимосномалари рад этилди.

Бундай ютуқ ва ўзгаришларнинг барчаси, аввало, Конституциямиз тамойилларининг ҳаётга изчиллик билан жорий этилиши натижасида қўлга киритилмоқда.

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси.
(ЎзА)

XORIJDA

КХДР: *ЧЕГАРА ЁПИЛАДИГАН БЎЛДИ*

Биринчи декабрдан бошлаб Шимолий Корея Жанубий Корея билан қуруқликдаги чегарани ёпмоқда. Associated Press агентлиги КХДР мудофаа вазирлигининг мамлакат ахборот агентлиги орқали тарқатган баёнотига асосланиб шу ҳақда хабар берди. Агентликнинг қайд этишича, гарчи ушбу ҳужжатда икки давлат ўртасидаги демилитаризацияланган зона орқали қуруқликдаги қатнов 1 декабрдан тўхтатилиши айтилган бўлса-да, чегаранинг буткул ёпилиши ёки ундан ўтиш назорати кучайтирилиши борасида ҳеч нарса дейилмаган.

Манбаа хабарига қараганда, КХДР маъмурларининг бундай йўл тутишига Жанубий Кореянинг 2000 ва 2007 йиллардаги икки томонлама музокаралар чоғида эришилган мажбуриятларга риоя этмаганлиги сабаб бўлган. КХДР раҳбарияти Жанубий Корея айнан қайси мажбуриятларни бузганлигини маълум қилмаган.

АҚШ: *ЭПИДЕМИЯНИ КУЗАТУВЧИ СЕРВИС*

Google интернет-қидирувчиси томонидан ишга туширилган Google Flu Trends сервиси орқали АҚШда грипп эпидемияси ўчоқларини кузатиб бориш мумкин. Қидирув сўровномалари таҳлили асосида ишловчи янги сервис мамлакатнинг у ёки бу штатида грипп билан касалланишнинг нечоғли юқорилигини билиш ва маълум вақт оралиғида вазият ривожининг умумий манзарасини кузатишга имкон беради. Google олинган маълумотларни АҚШ касалликларни назорат этиш ва олдини олиш маркази (CDC)га йўллайди.



Марказ вакили Лин Финеллининг агентликка айтишича, янги сервис грипп билан бирон тарзда боғлиқ бўлган қидирув сўровномаларидан фойдаланади ва натижалар асосида АҚШнинг у ёки бу қисмида касалланиш даражаси юзасидан тахмин чиқаради. Боз устига, сервис ёрдамида ахборот тезкор суръатда, яъни CDCга қараганда бир ҳафта илгари олинади.

Янги сервис бепул, ўз вақтида эпидемиядан огоҳ топган одамлар грипп ва ҳарши эмланишлари мумкин. Агентлик маълумотларига кўра, грипп АҚШда ҳар йили салкам 36 минг кишининг умрига зомин бўлмоқда.

КАНАДА: *ПЛАСТИК ИДИШЛАРГА ҚАДОҚЛАШ ТАҚИҚЛАНДИ*

Канада ҳукумати болалар озиқ-овқат маҳсулотларини пластик идишларда қадоқлашни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Хабарларга қараганда, пластмасса идишлар ва қутилар таркибидаги бисфенол А моддаси маҳсулотнинг сифатсизланишига сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, мазкур заҳарли модда кўпроқ гўдакларнинг сут маҳсулотлари қадоқланадиган пластмасса идишларни тайёрлашда фойдаланилади. Боиси бу кимёвий модда қутининг мустаҳкамлигини таъминлайди.

ҚАДИМИЙ ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ

Қуддуснинг шарқий ҳудудида археологлар томонидан қадимий заргарлик буюмлари топилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Қимматбаҳо тошлар ва марварид билан безатилган зумрад кўзли сирга мазкур топилмалар орасида бебаҳо деб саналмоқда.

Маълумотларга қараганда, эрамиздан аввалги тўртинчи асрга оид бу ноёб тилла буюмлар ўша даврда римлик аёллар орасида кенг урф бўлган.

ТАЙВАН: *СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ҚАМОҚДА*

Тайван суди прокуратура сўровномаси бўйича Тайваннинг собиқ президенти Чень Шуйбянни қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарган. France Presse агентлиги маҳаллий мансабдор хабарига асосланиб, шуни маълум қилди. Суд тингловида Шуйбянь ҳибсга олиш чоғида полициячи томонидан калтакланганлигини даъво қилиб, касалхонага ётқизишларини сўраган. Шунинг учун маҳкама йиғилиши қолдирилиши кутилаётганди. Бироқ унинг қисқа вақт ичида касалхонадан қайтганлиги боис суд ўз ишини якунлашга муваффақ бўлган.

АР агентлиги хабар беришича, Тайван қонунларига мувофиқ Шуйбянь тўрт ойгача ҳибсда ушлаб турилиши мумкин. Тергов вакилининг сўзларига қараганда, Тайваннинг собиқ президенти порахўрликда, давлат маблағларини талон-торож этиш ва ҳужжатларни сохталаштиришда гумон этилаяпти. Шуйбяннинг фикрича, ўзига нисбатан сохта айбловлар билан иш қўзғатилган.

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

2008 йил 10 ноябрдан бошлаб республика аҳолисига миллий ва хорижий валюталардаги депозитларнинг янги турларини таклиф қилади

№	Омонат	Фоиз ставкаси	Омонат шартлари
		Миллий валютада	
1.	**Олтин куз**	18%	амал қилиш муддати омонатчининг хоҳишига кўра 45 ёки 60 кун; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади; фоизлар муддат тугаганидан кейин тўланади, ҳар ойда капитализация қилинади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
2.	**Ҳосил**	16%	амал қилиш муддати — 3 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади; фоизлар муддат тугаганидан кейин тўланади, ҳар ойда капитализация қилинади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
3.	**Истиқбол**	18% + омонат сақланган охирги 2 ой учун 4% лик бонус	амал қилиш муддати — 6 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар 3 ой ўтганидан кейин ёки муддат тугаганидан сўнг тўланади, капитализация қилинмайди; биринчи бадал миқдори — чекланмаган; маблағларни қабул қилиш муддати — 1.01.2009 йилгача.
4.	**Ҳамкор**	18% + омонат сақланган охирги 3 ой учун 5%лик бонус	амал қилиш муддати — 9 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар муддат тугаганидан кейин тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган; маблағларни қабул қилиш муддати — 1.01.2009 йилгача.
5.	**Барқарор**	18% +омонатни сақлаш муддатининг иккинчи ярим йиллиги учун 4%лик бонус	амал қилиш муддати — 1 йил; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар ҳар ойда ёки муддат тугаганидан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; биринчи бадал миқдори — чекланмаган; маблағларни қабул қилиш муддати — 1.01.2009 йилгача.
6.	**Сўғдиёна**	18%	амал қилиш муддати — 13 ой; омонатга қўшимча бадаллар 2-ойдан қабул қилинади; фоизлар ҳар ойда ёки муддат тугаганидан кейин тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар ҳар ойда капитализация қилинади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
7.	**Навқирон**	18%	амал қилиш муддати — 1 йилу 6 ой; омонатга қўшимча бадаллар 2-ойдан қабул қилинади; фоизлар ҳар чоракда ёки муддат тугаганидан кейин тўланади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
8.	**Кафолат**	18% +омонатни сақлаш муддатининг 2-йилидан бошлаб 8%лик бонус	амал қилиш муддати — 2 йил; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар ҳар йилнинг охирида тўланади, капитализация қилинмайди; биринчи бадал миқдори — чекланмаган; малағларни қабул қилиш муддати — 1.01.2009 йилгача.
		АҚШ долларида	
1.	**Тараққиёт**	4,75%	амал қилиш муддати — 1 йил; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар ҳар чоракда ёки муддат тугаганидан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра АҚШ долларида ёки «Ўзмарказбанк» курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
2.	**Фароғат**	4,5%	амал қилиш муддати — 3 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар муддат тугаганидан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра АҚШ долларида ёки «Ўзмарказбанк» курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
3.	**Ёғду**	7%	амал қилиш муддати — 2 йил; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар ҳар ойда ёки муддат тугаганидан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; фоизлар «Ўзмарказбанк» курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
4.	**Абсолют**	6%	амал қилиш муддати — 1 йил; омонатга қўшимча бадалар қабул қилинмайди; фоизлар ҳар ойда ёки муддат тугаганидан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; фоизлар «Ўзмарказбанк» курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
		Евродаги омонатлар	
1.	**Орзу**	4%	амал қилиш муддати — 5 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар муддат тугаганидан кейин тўланади, капитализация қилинмайди; фоизлар омонатчининг хоҳишига кўра еврода ёки «Ўзмарказбанк» курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
		Эгасининг номи кўрсатилмайдиган омонатлар	
1.	Жисмоний шахслар учун эгасининг номи кўрсатилмайдиган АҚШ долларидаги омонат	4,75%	амал қилиш муддати — 9 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар муддат тугаганидан кейин тўланади; фоизлар «Ўзмарказбанк» курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
2.	Жисмоний шахслар учун эгасининг номи кўрсатилмайдиган евродаги омонат	5%	амал қилиш муддати — 9 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар муддат тугаганидан кейин тўланади; фоизлар «Ўзмарказбанк» курси бўйича сўмда тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.
3.	Жисмоний шахслар учун эгасининг номи кўрсатилмайдиган миллий валютадаги омонат	9 ой — 16%; 12 ой — 18%	омонат муддати мижознинг хоҳишига кўра 9 ой ёки 12 ой; омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди; фоизлар омонат муддати тугаганидан кейин тўланади; биринчи бадал миқдори — чекланмаган.

Қўшимча ахборотни 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com

АҲМАДЖОН УБАЙДУЛЛАЕВ:

«ЙИГИТЛАРИМИЗ ҒАЛАБА ИШТИЁҚИДА ЁНМОҚДА!»

Эртага Саудия Арабистонида ёшлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионати финалида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига қарши майдонга чиқади

Мусобақа чорак финалида Хитой ёшлар терма жамоасини мағлубиятга учратган Аҳмаджон Убайдуллаев шогирдлари финал йўлланмаси учун Жанубий Корея футболчиларига қарши муносиб тўп сурдилар. Учрашув тақдирини 17-дақиқада жамоа сардори Шерзодбек Каримов томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди.

— Бугун ёшларимиз қитъанинг кучли жамоаларидан бирига қарши кураш олиб бордилар, — деди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмаджон Убайдуллаев учрашувдан сўнг ўтган матбуот анжуманида. — Айтиш керакки, корейс футболчиларига қарши тўғри тактика танлаганлигимиз ҳамда рақибимизни пухта ўрганганлигимиз бугунги ғалабамизни таъминлади. Очиғини тан олиш керак, ўйин олдидан кўпчилик Ўзбекистон футболчиларининг финалга чиқишини кутмаганди. Биз кичик ҳисобда ғалаба қозонган бўлсак-да, йигитларимиз чиройли ўйин кўрсатишди, бироқ кўплаб қулай вазиятлардан фойдалана олишмади. Ўз навбатида ҳимоячиларимиз зиммаларига юклатилган топшириқни аъло даражада бажарганликларини алоҳида таъкидлаган бўлардим. Энди биз учун ҳал қилувчи ўйинда қайси жамоа билан ўйнашнинг фарқи йўқ. Ҳозир йигитларимизнинг барчаси фақат ғалаба иштиёқида ёнмоқда!

Ярим финалнинг иккинчи учрашувида Бирлашган Араб Амирликлари — Австралия ёшлар терма жамоалари ўзаро куч синашди. Унда БАА вакиллари рақиблари дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллаб, финалга йўлланмани қўлга киритишди — 3:0.

— Финалдаги рақибимиз билан илгари халқаро турнир доирасида рўбарў келганмиз, — деди БАА ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Махди Али. — Ўзбекистонликларда жамоавий ўйин шаклланган. Ўйлайманки, ҳал қилувчи учрашув кутилганидан-да шиддатли ва муросасиз кечади. Унда кучли жамоа бош совринга сазовор бўлади.

Эслатиб ўтамиз, бунгача Осиё футбол конфедерацияси мусобақалари доирасида 1994 йили Хиросимада ўтказилган 12-Осиё ўйинларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси финалга йўлланма олган ва унда ҳамюртларимиз Хитой футболчилари устидан 4:2 ҳисобида зафар қучишган. Демак, орадан ўн тўрт йил ўтиб, Саудия Арабистони яшил майдонларида муваффақиятли иштирок этаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари яна юртимиз футбол ишқибозларига олам-олам қувонч ҳадя этишга жуда яқин туришибди. Биз миллионлаб мухлислар номидан ёшларимизга омад тилаймиз.

Эркин ХОЛБОБО

АҲОЛИ БАНДЛИГИ - МУҲИМ МАСАЛА

Фарғона вилоятида аҳоли бандлик даражасини ошириш, меҳнатга лаёқатли кишиларни муқим ва даромадли иш билан таъминлаш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган ўн ойида 55 минг нафар киши иш билан таъминланди. Ана шу мақсадда Фарғона шаҳрида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 60 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса 871 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда иш таклиф этаётган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

— Ярмаркада 237 нафар фуқаро муқим иш ўрнига эга бўлди, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутахассиси Мирзоҳид Деҳқонов. — Уларнинг асосий қисми ёшлардир. Элликдан ортиқ хотин-қиз тикувчилик, каштачилик, зардўзлик сингари йўналишлар бўйича ўқув курсларига юборилди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

✓ Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ НЕСИБЕЛИ ҚИЗИ

Несибели Мамбетирзаева — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-сон академик лицей талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси

Несибели саккиз ёшида қорақалпоқ болаларининг севимли газетаси «Жеткиншек»да ўзининг биринчи шеърини эълон қилди. Шундан буён барча фанлардан «аъло»га ўқиши билан бирга, адабиёт тўгаракларида иштирок этиб, шеър ёзиш сирларини ўрганди. Ўтган йил эса унинг **«Мехрингни аяма»** шеърий тўплами чоп этилди.

Бугун Несибелини кўпчилик танийди, билим ва ижодга чанқоқ истеъдодли ёш шоира эл назарига тушди. У ёш ижодкорларнинг Зомин семинари иштирокчиси, фан олимпиадалари ғолиби. Шу йил адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Устозлари Несибелининг туғма иқтидори борлигини таъкидлашади. Эндиликда у таниқли қорақалпоқ шоирлари Холмурот Сапаров ва Гулнора Нурлепесова сингари устозлари билан ижодий ҳамкорлик қилиб, жиддий изланишлар олиб бормоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Фанимиз фидойилари

ЖОЙ НОМЛАРИ БИЛИМДОНИ

Ўзбек тилшунослигида муҳим аҳамиятга эга «Ўзбекистон топонимлари изоҳли луғати» китобининг муаллифи Тўра Нафас илмий фаолиятига бир назар

Бундан роппа-роса ярим аср олдин Тўра Нафасга Самарқандда, университетнинг кириш имтиҳони олинаётган хонасида дуч келганман. Саволларга жавоб беришга тайёрланиб ўтирган эдим...

Барча синовлар ортда қолди. Биз талаба бўлдик, ўша йилларда мазкур илм даргоҳининг филология факультетида академик Воҳид Абдуллаев, профессорлар Ботирхон Валихўжаев, Орифжон Икромов, Нуриддин Шукуров сингари республикамизда довруғ қозонган олимлар ишлашарди.

Тўра Нафаснинг аввал бошданоқ тилшуносликка рағбати кучли эди. У қаттиқ меҳнат қиларди, ҳар бир ютуққа тиришқоқлик билан эришарди. Ўзи туғилиб ўсган Зарафшон тизма тоғининг Қалқама беткайида қадимий манзиллар кўп бўлиб, номлари қандайдир сирли туюларди. Оқчава, Давтош, Говхона, Лангар, Тарағай... Мактабда ўқиб юрган пайтида бу номларнинг маъноларини нималиги ҳақидаги саволлари жавобсиз қолган. Университетни битиришдаги диплом иши ҳам тилшуносликка оид бўлиб, ҳимоя кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Давлат имтиҳони ҳайъатининг раиси, профессор Мустақим Мирзаев ёш тилшуноснинг илмий-тадқиқотчилик салоҳиятига юқори баҳо бергани ёдимда.

Самарқанд давлат университетини тамомлаган Тўра Нафас 1963 йилнинг ёзида Қарши давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига ўқитувчи бўлиб келди. Дастлабки илмий мақоласи ҳам фандаги топилдиқлиги билан аҳамиятли турди. «Туркий тиллардан рус тилига ўзлашган лексик элементлар» ҳақидаги мақола она тилимизнинг қудратини томчида қуёш акс этгандек намоён қилди. Шундан сўнг тадқиқотчилик, аспирантура, диссертация ҳимояси амалга ошди. Тўра Нафаснинг илмдаги бахти яхши устозга йўлиққанида ҳам эди. Илмий раҳбари Собиржон Иброҳимов шогирдидаги истеъдодни, меҳнатсеварликни кузатиб, унга Қашқадарё вилояти жой номларини кўламли равишда ўрганишни маслаҳат берди.

У фидойи тадқиқотчи сифатида ўз вилояти жой номларининг илмий ечимини ишлаб чиқди. Кейин Ўзбекистон топонимларини тадқиқ этишга бел боғлади. Тўра Нафас ярим аср давомида 500 дан зиёд мақола, 30 га яқин китоб, дарслик, қўлланмалар яратди, кўплаб шогирдларга устозлик қилди, халқаро анжуманларда иштирок этди.

Юртимиздаги аксар жой номлари минглаб йиллик тарихга эга. Нахшаб, Насаф, Косон, Касби, Сариосиё, Чақар, Денов, Ғузор ва бошқа неча юзлаб топонимларнинг илмий маъзини чақиш учун ўнлаб фанларни, аввало, тарихни, географияни, этнографияни, фольклорни теран ўрганиш талаб қилинади. Манбаларнинг аксарияти араб, форс, хитой ва рус тилида эканлигини ҳам назардан қочириб бўлмайди. Араб ёзувидан хабардор бўлмаган, форсий тил моҳиятини англамаган тилшунос ҳеч қачон жой номларини меъёрига етказиб ёхуд аслига монанд изоҳлай олмайди.

Мустақиллик туфайли вилоятлар, туманлар, қишлоқлар тарихи яратилмоқда. Шу мавзудаги қайси бир рисолани қўлга олманг, иқтибоснинг энг кўпи Тўра Нафаснинг «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати»дан олинган. Бу китоб ҳали қанча авлодларга хизмат қилади.

Бир неча йил бурун Тошкентда Тўра Нафас иккимиз раҳматли Бўрибой Аҳмедов билан учрашгани бордик. Мен домлага уни таништиргач, у «Э, Тўравой сизмисиз», деб унинг қўлини қайта маҳкам қисди. Бўрибой ака ўшанда изоҳли луғат ишини давом эттиришни, ўзбек тилининг жой номлари қомусини яратишни маслаҳат берган эди. Умид қиламизки, шундай қомус яратилади. Бу йўлда заҳматкаш олимга улкан илмий ютуқлар тилаймиз.

Поён РАВШАНОВ, филология фанлари номзоди, доцент.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида «Миллий қадриятларимиз: одоб-ахлоқ, кийиниш маданияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Мирзо Улуғбек туман маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди. Унда асосий эътибор ёшларнинг муомала, кийиниш маданияти қанчалик урф-одатларимизга мос келишига қаратилди.

Одоб-ахлоқ, хушхулқлилик, чиройли кийиниш инсоннинг зийнатидир. Тадбирда сўзга чиққанлар бу каби учрашувлар урф-одатларимиз, қадриятларимизга бўлган меҳр-муҳаббатни, миллий либосларимизнинг кўркамлигини ёшлар қалбига сингдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди. Дарҳақиқат, айниқса ёшлар ўртасида бу сингари давра суҳбатларининг ўтказилиши уларни анъана ва урф-одатларни эъзозлашга ундайди.

Анжуман доирасида институт талабаларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Унда ёшлар ўз коллекциялари билан иштирок этди, вилоятларнинг урф-одат ва анъаналари уйғунлаштирилган либослар тақдим этилди. Ўзбекона урф-одатлар ҳамоҳанглигида яратилган бу бетакрор либослар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

✓ 10 ноябрь — 10 декабрь Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ЭҲТИЁТЛИК ВА ҲУШЁРЛИК

кўнгилсизликларнинг олдини олади

Қиш фасли келиши билан аҳолининг газ ва электр қувватидан фойдаланишга эҳтиёжи ошади. Ўз навбатида бу ёнғин хавфи ошишига ҳам олиб келади. Шу боис бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 10 ноябрдан 10 декабргача мамлакатимизда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Кўза кунда эмас, кунида синади. Бу мақолни ёнғин ўчирувчилар бот-бот тилга олиб туришади. Дарҳақиқат, аччиқ тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ёнғинлар ёритиш воситаларининг техник носозлигига уй эгаларининг бепарволиги ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланиши оқибатида содир бўлмоқда. Масалан, биргина Ҳамза туманида жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 144 та ёнғиндан 60 таси фуқаролар бепарволиги оқибатида содир бўлган. Афсуски, газ ва электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан ҳамма ҳам хулоса чиқариб олмаётир.

Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Таҳлил ва кузатишлардан маълум бўлдики, айримлар хонадон ёки ишхонадаги газ ва электр тармоқларидаги носозликни кўрса-да бепарво бўлишади. Ваҳоланки уларни тузатириб олишга озгина вақт ва эътибор кифоя. Бепарволик эса катта ташвиш, ҳатто фожиага сабаб бўлади. Ёнғин кунда бўлмаса-да, кунида содир бўлади. Эҳтиёткорлик, ҳушёрлик, газ ва электр қувватидан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш кўнгилсизликлар олдини олади. Бизнинг мақсадимиз — ҳеч кимнинг уйида ёнғин бўлмасин, хонадон соҳиби ёққан чироқ фақат яхшиликка хизмат қилсин. Бу эса кўп жиҳатдан ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ.

Абдурашид ТЎРАХОНОВ, Ҳамза тумани ИИБ ЁҲБ инспектори

ЁШ ОИЛАЛАРГА АТАЛГАН УЙЛАР

Андижон вилоятида ёш оилалар учун 9 та кўп қаватли уй бунёд этилаяпти.

Асака шаҳрида 32 ёш оила учун қиймати 1 миллиард 141 миллион сўмлик кўп қаватли уй қурилаётир. «8-механизациялашган кўчма сафи» масъулияти чекланган жамият жамоаси шу кунларда иморатнинг томини ёпиш ҳаракатида . «Асака Элмурод», «Ўзбекистон мустақиллиги» ғишт тайёрловчи корхоналар қурилишга маҳсулот етказиб беряпти. Обиджон Собиров раҳбарлигидаги бетончилар, Маъруфжон Абдуллаев, Воҳиджон Аҳмадалиев бошчилигидаги ғишт терувчилар, Аъзамжон Дўсматов етакчилигидаги пардозловчи бригада аъзолари ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти.

— Кўп қаватли уй ёшлар учун замонавий лойиҳа асосида қуриляпти, — дейди «8-механизациялашган кўчма сафи» масъулияти чекланган жамияти бошлиғи Одилжон Раҳматов. — Бино учун алоҳида қозонхона, болалар спорт майдончаси барпо этилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

✓ Жиноятга жазо муқаррар

ЖАҲОЛАТ БОТҚОҒИГА БОТГАН

оғуфурушлардан умумий миқдори 345 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик моддалари олинди

Аср вабоси бўлган гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва сотиш ўта оғир жиноятлардан саналади. Аммо, шунга қарамай меҳнат қилмай мўмай пул топиш дардига йўлиққанлар учраб турибди.

Шу йилнинг 17 сентябрида Сурхондарё вилоят Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида Сариосиё туманининг «Гулистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Наимжон Жумаевнинг хонадони тегишли тартибда кўздан кечирилди. Уйнинг орқа тарафидаги ҳовлидан 154,5 килограммдан ортиқ «опий» гиёҳвандлик моддаси топилди.

Жаҳолатга етакловчи оғуфурушлик билан аёлларнинг шуғулланаётгани янада ачинарлидир. Денов туманининг «Пахтачилик» маҳалласида истиқомат қилувчи Санобар Каримова сариосиёлик Наимжон Жумаевдан ҳам «ишбилармон» экан. Унинг хонадонидан оғирлиги 190 килодан ортиқ оғу олинди. «Опий» гиёҳвандлик моддалари 36 дона оқ елим халтачага жойланган бўлиб, 60 литрли пластмасса идишда сақланган. Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг ҳушёрлиги боис, 345 килодан ортиқ гиёҳвандлик моддалари тарқалишининг олди олинди. Ҳозир ушбу ҳолатлар бўйича суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

«ООО Sarbast Pluse» қўшма корхонаси таъсисчиларнинг 2008 йил 3 октябрдаги умумий йиғилиши баёни билан «ООО UZCARLSBERG» деб қайта номланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 6 октябрда 474 рақами билан давлат рўйхатига олинган.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти томонидан 2005 йилда Атақулов Э.F номига берилган №33, В-155335 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

(Газетанинг навбатдаги сони 18 ноябрь, сешанба куни чиқади).

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7955 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 00.30
7
Sotuvda erkin narxda